

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган суд биноларини қўриқлаш хизмати учун пул маблағларини марказлашган ҳолда Қўриқлаш бош бошқармасига тўлаш ҳақида**

**2 - СОНЛИ ШАРТНОМА**

2022 йил «12» январь

Тошкент шаҳри

Низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти номидан директор ўринбосари Й.Б.Тошев бир томондан қуйида «Буюртмачи», Низом бўйича фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўмондони ўринбосари - Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи М.Ж.Ғаниев иккинчи томондан қуйида «Бажарувчи», ушбу шартномани тузишди.

**1. Шартнома мазмуни**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг жойлардаги бошқарма, бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган суд биноларини қўриқлаш хизмати бўйича 2022 йилнинг 1-чораги учун умумий суммаси 31 520 459 000 (ўттиз бир миллиард беш юз йигирма миллион тўрт юз эллик тўққиз минг) сўмлик (қўшилган қиймат солиғисиз) пул маблағлари Қўриқлаш бош бошқармаси ҳисобига марказлашган ҳолда тўланади. Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти балансидаги суд биноларини 2022 йилнинг 1-чораги давомида 314,5 (уч юз ўн тўрт ярим) та саф бўлинмаларининг соқчилик ҳисобидаги постлари ва 7 (етти) та ҳарбийлаштирилган соқчилик назорати ҳисобидаги постлари, жами 321,5 та пост орқали қўриқлаш хизматлари учун ойлик тўловлар ҳар ойда 100 фоиз олдиндан амалга оширилади.

**2. «Бажарувчи»нинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

2.1. «Бажарувчи» тасарруфидаги қўриқлаш бўлинмаларини Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти балансидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудидаги суд биноларини жойлардаги қўриқлаш ходимларини сақлашга сарфланадиган харажатлар сметасини 2022 йил давомида «Буюртмачи»га ҳар ой, ўтаётган ойнинг 20-санасига қадар тасдиқлаб, тақдим қилади.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармониغا биноан иш ҳақи, стипендия ва нафақалар миқдори ошганда, суд биноларини қўриқлаш учун сарфланадиган харажатлар сметасини қайта кўриб чиқади ва «Буюртмачи»га тақдим этади.

2.3. Бажарувчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун асосида жавобгарликка тортилади.


**3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

3.1. «Буюртмачи» Молия вазирлигидан тасдиқдан ўтган смета харажатларига асосан, «Бажарувчи» томонидан ҳар ойда тасдиқлаб, тақдим қилинган ҳисоботга асосланиб, 10 кун ичида марказлашган ҳолда Қўриқлаш Бош бошқарма ҳисоб-рақамига қўриқлаш хизмати учун тўловни амалга ошириб беради.

3.2. «Буюртмачи» ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун асосида жавобгарликка тортилади.

**4. Нархлар**

Нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳамда Миллий гвардия қўмондони томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бошқарма, бўлим ҳамда бўлинмалари қўриқлаётган ўта муҳим,





тоифаланган ва бошқа турдаги объектларга кўрсатиладиган кўриқлаш хизматларининг Тарифлари»га мувофиқ белгиланади.

## 5. Низоларни ҳал этиш тартиби

Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## 6. Шартнома муддати

6.1. Мазкур шартнома «Буюртмачи» ва «Бажарувчи» томонидан имзоланиб, хизмат кўрсатиш муддати 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилгача бўлиб, 01.01.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача амал қилади, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради.

6.2. Агар томонлардан бирининг иккинчи томонга нисбатан шартнома бўйича эътирози бўлса ва шартномани бекор қилиш истаги билдирилса, у бу ҳақда икки ой олдин расмий равишда хабар қилиши керак.

## 7. Томонларнинг манзиллари ва уларнинг банкдаги ҳисоб рақамлари

### «Бажарувчи»

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси

Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Саид Барака кўчаси 52а – уй

Тел/факс: (71) 202-45-19 202-45-20

х/р: 21 596 000 800 447 982 001

Банк: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг ҳисоб-китоб касса Маркази

МФО: 00014 СТИР (ИНН): 202 295 766

ОКЭД: 80 200

Рахбар: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Кўмондони ўринбосари – Кўриқлаш Бош бошқармаси бошлиғи

М.Ж. Ғаниев

Имзо

М.ў

### «Буюртмачи»

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Чўпон-ота кўчаси 6-уй

Тел/факс: (71) 202-08-45

ШХР: 1000 1086 0262 6670 3323 1011 002

Банк: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг ҳисоб-китоб касса Маркази

МФО: 00014

СТИР (ИНН): 207 251 137

### Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ғаз/х-р: 23 402 000 300 100 001 010

Банк: ХККМ МБ Тошкент шах. ББ.


МФО: 00014 СТИР (ИНН): 201 122 919

Рахбар: Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти директори ўринбосари

Й.Б. Тошев

Имзо

М.ў



Ўзбекистон Республикаси  
М. Сағдуллоев

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Б.Қ. Иногамов

2022 йил "12" январь

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузуридаги  
Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти  
директори ўринбосари

Й.Б. Тошев

2022 йил "12" январь

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг жойлардаги бошқарма, бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган суд биноларини қўриқлаш хизмати учун пул маблағларини тўлаш ҳақидаги 2022 йил 12 январда тузилган 2-сон шартноманинг

ХИСОБ – СМЕТАСИ

№	Пост тури	Ойлар	Қўриқ-лана-ётган постлар сони	Постлар-нинг бир ойлик қўриқлаш вақти (соат)	1 соат учун тариф (минг сўмда)	Постларни бир ойлик сақлаш харажатлари (минг сўмда)	Туман коэффициенти (минг сўмда)	Жами бир ойлик сақлаш харажатлари (минг сўмда)
А	В	С	1	2=1гр*730	3	4=2гр*3гр	5	6=4гр+5гр
1	01.01.2022й. ҳолатига қарздорлик							8 416 619 944
1	Сафдор ходим	Январь	314,5	229 391	58 304	13 374 412 864	68 189 832	13 442 602 696
	Ҳарбийлашган назоратчи		7	5 110	32 252	164 807 720		164 807 720
	Жами		321,5	234 501		13 539 220 584	68 189 832	13 607 410 416
2	Сафдор ходим	Февраль (19,4 кунга)	314,5	158 881,57052	58 304	9 263 431 088	68 189 832	9 331 620 920
	Ҳарбийлашган назоратчи		7	5 110	32 252	164 807 720		164 807 720
	Жами		321,5	163 992		9 428 238 808	68 189 832	9 496 428 640
Ҳаммаси						22 967 459 392	136 379 664	31 520 459 000

Жами: 31 520 459 000 (Ўттиз бир миллиард беш юз йигирма миллион тўрт юз эллик тўққиз минг) сўм

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси Молия-иқтисод бўлими бошлиғи

А.А. Исроилов

Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 мартдаги ПҚ-5029 Қарори ҳамда 17 августдаги ПФ-6279-сон Фармони